



# Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2002 yil, 27 sentabr № 40(525)

Sotuvda narxi erkin

## СЕМИНАР-КЕНГАШ ЎТКАЗИЛДИ

“Чирком” Ўзбекистон-Германия қўшма корхонасида Республика электралоқа корхоналари мутахассисларининг ушбу семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Семинарнинг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари Ш.Обидхўжаев кириш сўзи билан очиб, ушбу анжумандан кўзланган мақсад электралоқа корхоналарида жорий этилган янги технологияларни ўрганиш ва жойларда амалда қўллаш эканлигини таъкидлади. Анжуманда Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ф.Зиёев, “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси бош директори Ҳ.Муҳитдинов, “Алкател” компаниясининг Ўзбекистон бўйича бош вакили В.Пилипоуклар маъруза қилдилар.

Иштирокчи режа бўйича “Биллинг-Чирком”, “Магистрал ва тарқатув кабеллари бутилишининг назорат тизими”, “Аналогли АТСда маҳаллий боғланиш ва сўзлашув вақтини ҳисоблаш ҳамда бошқариш тизими” йўналишларида олиб борил-

ди. Ушбу йўналишлар бўйича сўзга чиққан “Чирком” етакчи мутахассиси, тижорат директори А.Полкин, “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали цех бошлиғи Ж.Егембердиев, 2-АТС муҳандиси Л.Лиллар тизимлар қандай жорий қилинганлиги ва улар қай тарзда ишлаётганлигини семинар қатнашчиларига амалда кўрсатиб, тушунириб бердилар. Шунингдек, “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалида қурилиш-монтаж, таъмирлаш ишларида қўлланилаётган янги техника воситалари, замонавий асбоб-ускуналар, ўлчов асбоблари, оптик кабелларни монтаж қилиш ишлари кўргазмаси ўтказилди. Кўргазма қатнашчиларга яхши таассурот қолдирди.

Республика туртинчи электралоқа семинар-кенгашининг эстафетаси “Наманган Телеком” электралоқа корхонасига топширилди.

**Б.РУСТАМОВ,**  
“Чирком” қўшма корхонаси мутахассиси



## ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси кўча кубоги учун минн футбол мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов иштирок этди.

Финал мусобақаларида худудий босқич беллашувлари ғолиблари — “Ўздунробита” қўшма корхонаси, “COSCOM” қўшма корхонасининг Самарқанд вилояти филиали, “Фаргона Телеком”, “Қашқадарё Телеком”, “Қорақалпоқ Телеком” ва “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиаллари, шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети, Давлат фелдгерлик хизмати жамоалари ўзаро куч синашдилар.

— Мусобақа кутганимизданда муваффақиятли ўтди, — дейди Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси раиси Т.Назаржонов. — Айниқса, А.Турсунов, Р.Маматқулов, А.Юнусов, М.Рахимов, Ф.Абдуллаев, А. Юдин сингари ҳаваскор футболчиларимиз кўрсатган ўйинлар барчага қувонч бахш этди.

Қизгин ва мurosасиз ўтган баҳсларда “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиали футболчи-

лари қашқадарёлик ҳамкасбларини мағлуб этиб, биринчилиكنи қўлга киритдилар. Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда “Ўздунробита” қўшма корхонаси жамоалари ўртасида учинчи ўрин учун кечган қизиқарли баҳсла университет вакилларининг қўли банд келди. Ғолиб жамоаларга кўча кубок ва эсдалик совғалар топширилди. Шунингдек, “Энг яхши дарвозабон”, “Энг яхши ҳимоячи”, “Энг яхши ярим ҳимоячи”, “Энг яхши ҳужумчи”, “Энг яхши тўпурар”, “Энг ёши катта иштирокчи” ҳамда “Энг яхши мураббий” каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, махсус совринлар билан тақдирланди.

**Ўз мухбиримиз**

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГУЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА

Ўзбекистон республикаси Президенти И.Каримов расмий ташриф билан Литва республикасида бўлди.

Ўзбекистон республикаси Президенти И.Каримовга Литванинг Буюк Витаутас ордени топширилди. Маъзур давлатнинг энг олий мукофоти ҳисобланувчи бу орден Литва давлати, халқи олдидаги ҳамда халқро микёсда улкан хизматлар кўрсатган атоқли кишиларга берилди.

Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик кўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Банклари уюшмасида мамлакатимиз Марказий банки Япониянинг халқро ҳамкорлик агентлиги (JICA) билан

биргаликда “Ўзбекистон молия бозорининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари” мавзусида семинар ўтказилди.

### ХОРИЖДА

ҒФРда бўлиб ўтган парламент сайловида мамлакат канцлиери Герхард Шрёдер етакчилиги қилаётган Германия Социал-демократик партияси (ГСДТ) ва у билан бошқарув коалициядаги “Яшиллар” партияси биргаликда 47,1 фоиз (38,6+8,5) овоз олишга муваффақ бўлган. Бу эса “қизил-яшиллар”га Бундестагга мутлақ кўпчилиكنи ташкил этиш имкониятини беради.

Исроил кўшилари танклар ва вертолётлар ёрдамида Фаластиннинг Ғазо шаҳрига ҳужум

бошладилар. Дастлабки маълумотларга кўра, содир бўлган қуролли тўқнашувлар давомида 9 нафар фаластинлик ҳалок бўлган, 24 нафари эса жароҳатланган.

Европада “Еuroean Mobility Week” ҳафталиги бўлиб ўтмоқда. Тадбирда европаликлар автомобиллардан воз кечиб, бошқа турдаги транспорт воситаларидан фойдаланишга даъват қилинмоқда. Ундан мақсад — атроф-муҳитни соғломлаштириш ва шаҳарларда автомобиллар қатновини камайтиришдир.

Шимоллий Осетиядаги Кармадон тоғ дарағида муз қўши оқибатида юздан зиёд киши бедарак йўқотган. Сунги маълумотларга қараганда рўйхатда 113 киши қайд этилган, ammo табиий оғат юз берган жойда бўлганларнинг қариндорларидан бедарак йўқотганлар ҳақида маълумотлар келиши давом этмоқда.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили

## ФАХРИЙЛАР ФАОЛ ҚАТНАШДИЛАР

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда республика алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кўмитаси томонидан “Қарияларни қадрлаш йили”га бағишлаб ўтказилган соҳа ходимларининг республика спартакиадаси яқунланди.

45 ёшдан ошган аёллар ва 50 ёшдан юқори бўлган эркеклар қатнашган бу мусобақалар қизгин баҳсларда биринчи ўринга Фотима Файзулинага қулиб боқди. Ниҳоят, спартакиада якунида умумжамоа ҳисобида ғолиблиكنи қўлга киритган жамоалар маълум бўлди.

Дартс беллашувида ғолиблик шохуспасига пойтахтлик алоқачи Борис Покровский кўтарилди. Аёллар ўртасида кечган мусобақаларда биринчи ўринга Самарқанд, Фаргона ҳамда Наманган вилояти вакиллари даъвогарлик қилишган бўлсада, омад Сирдарё вилояти вакили Фотима Файзулинага қулиб боқди. Ниҳоят, спартакиада якунида умумжамоа ҳисобида ғолиблиكنи қўлга киритган жамоалар маълум бўлди. Унга кўра, Тошкент шаҳри алоқачилари жамоаси биринчи, Наманган вилояти вакиллари иккинчи ҳамда андижонлик спортчилар учинчи ўриндан жой олишди.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида Агентлик бош директори ўринбосари Ш.Обидхўжаев иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз**

## “ХАВАР”ТА ОБУНА БЎЛИНИ

Обуна — 2003

### ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Янги обуна мавсуми бошланди. Агар Сиз “Хабар”га яна обуна бўлсангиз, алоқа соҳасидаги жамияки янгиликлар, муаммолар ва диққатга сазовор масалалардан ўз вақтида хабардор бўлиб борасиз.

“Хабар” газетасига 2003 йил учун обуна давом этмоқда. Газетамизга барча алоқа бўлимларида обуна бўлиш мумкин.

Нашр кўрсаткичи:

Якка тартибдаги обуначилар учун — 227.

Ташкилотлар учун — 228.

“Хабар” газетаси ҳар ҳафтанинг муборак жума куни хонадонингизга кириб боришини истасангиз, тезроқ обуна бўлишга шошилинг!



Телефончи... Бу касб дастлаб ишга келган човлариди осонгина, жоннинг роҳати бўлиб кўринганди. Нима қилибди — мижозни айтган манзилга улаб беради. Хизмат учун пулини олади, ҳисобда алашмайди, қайтимини дарҳол узатади. Бўлгани шу, тамом-вассалом.

Бироқ иш у йўлаганчалик энгил эмас экан. Биринчидан, мижоз — яхши мужда кутаётган, ташвишлардан холи бўлмаган, гоҳо кўнглига қил сиймай турган бир одам. Унга тезкор хизмат бўлса бас. Ана у эшикдан кириб келяпти — рангрўйи, кайфияти қандай? Тушкунроқ руҳдаги мижознинг хушмуомаладан кўнгли таскин топсин. Хушқол табиатлиси янаям хурсанд бўлиб чиқиб кетсин. Ҳатто айтган жойи билан гаплашолмас ҳам. Бир дамгина ба ерга ташриф буюргани учун афсус чекмасин.

Зарифа бу ҳақиқатни, одамлар фелъни-авторидиға ўзинга хошликни, уларнинг ҳар бирига айрича муносабат зарурлигини англагунча бир ярим йилча вақт ўтди. Ҳеч қачон оғзидан ноўрин сўз чикма-

ган, ҳеч кимга энгилтақлик қилмаган бўлмасда, азият чеккан, изтиробдан ўзини қаерга қўйишни билмай қолган лаҳзаларни бошдан кечирди. Баъзан тушкунликдан ўзини йўқотиб қўйган одамнинг кўнглига таскин берадиган зарур сўзни тополмади, гоҳо кимдир

## МУШТОҚ ҚЎҲТМЛАР МАЛҲАМИ

унинг камгапчилигидан жўнаб қолди. “Чимён” республика сийхатгоҳи ҳудудда жойлашган шаҳарлараро сўзлашу пункти асосан “Зилол”, “Нурафшон”, “Темир йўл” ва бошқа сийхатгоҳларда дам олаётган ва даволанаётганларга хизмат кўрсатади. Улар орасида соғидан бемори — ширин сўзга муҳтожи кўп. Асаблари ҳам бироз толиққан бу мижозлар алоҳида эътибор талаб этади.

Бу масканнинг навбатчи телефончилари ичида Зарифахон Абдулатторова вазирилиги, сермулоҳазалиги билан ажралиб турса, Дилбархон Юсуфалиева гапга чечанлиги, қарияларнинг ҳам баҳри-дилини очиб юбора, оладиган даражада

### ● Касбини эъзозлаётганлар

ҳазил-мутойибага ўчлиги билан, Тўтиёхон Ҳайдарова эса ҳозиржавоблиги билан эътибор қозонган. Қисқаси, уч дугонадан иборат бу кичик жамоа жуда аҳил. Бир-бирларини яхши тушунадилар. Энг муҳими, учови ҳам касбларига қаттиқ меҳр қўйишган.

— Мижозларимиз ўз яқинлари билан телефон орқали сўзлашиб турмаса даво муолажалари ҳам кор қилмайди, шифобахш сув ҳам даво бўлмайди. Биз уларнинг нозик дилларига озор етказиб қўйишдан қўрқамиз, — дейди Зарифахон.

Алоқачи дугоналар Чимён заминига дардлардан фориг бўлиш умидида келиб, яқин кишиларини соғинган муштоқ кўнглиларга хушмуомалалик билан хизмат қилиб, малҳам бўлишга интиладилар. Бу муъжаз масканнинг одамлар қалбда ёқимли таассурот қолдириши балки шундандир.

Ҳ. САҲЯҲОВА,  
Фаргона вилояти

## ЭЛИНГ РАҲМАТ ДЕСИН



Давлатиёр Оллоёровнинг Хўжайли туманидаги Ойбек деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасидаги ёш қари танийди. Чунки у шу ҳудудда яшаш билан бирга аҳолига почта алоқаси хизматини кўрсатади.

Давлатиёр алоқа соҳасига 1985 йилнинг декабр ойида ишга келиб, аввал биринчи алоқа бўлимида оператор, қатор алоқа бўлимида бошлиқ, саралаш бўлими оператори, бошлиқ муовини каби вазифаларда ишлади.

Тўғриси, Давлатиёрнинг почта алоқаси соҳасида узоқ йиллар ишлаб қолишига ишонмаган эдик. Чунки у почта соҳаси му-

тахассиси эмасди. Бироқ у ўз устида тинмай ишлади, устозлари — марҳум Самад Иксовот, Дариха Мучиркенаевлардан иш сирларини кунг билан ўрганди. Ўқиб-ўрганиш, касбига бўлган чексиз меҳр ўз самарасини берди. Давлатиёр маънавий мутахассис бўлиб етишди. Айни дамда у “Туба” алоқа бўлимини бошқариб, бор куч-гайратини аҳолининг алоқа хизматига бўлган талабини қондириш учун сарфлаб келмоқда.

— Элга хизмат қилишни бурчим деб биламан, — дейди Давлатиёр. — Лекин ҳар дамда аҳоли истагани бажариш имконияти бўлавермайди. Шундай пайтларда мижозга ҳаммасини батафсил тушунтиришга ҳаракат қиламан. Оллоҳга шукурки, бир неча бор меҳнатим муносиб тақдирланди. Барчасини кўпчилик дуосини олганлигим туфайли деб биламан.

Одамлар хизматига шай турган азиз ҳамкасбим — Давлатиёр каби ҳалол, меҳнатсевар алоқачилар омон бўлишсин.

Раҳимжон БОЛТАБОВЕВ,  
“Қорақалпоқ почтаси” АЖ  
Хўжайли филиали иқтисодчиси

## БАКАЛАВРЛАРНИ ҚАЙТА ЎҚИТИШ — ЗАМОН ТАЛАБИ

Маълумки, 1999 йилдан бошлаб олий ўқув юрлариди бакалаврлар тайёрлана бошладилар. Уларга кўпроқ фундаментал фанлардан билим берилиб, ишлаб чиқаришга юборилмоқда. “Хабар” газетасининг шу йилги, 39-сонидида эълон қилинган М.Зоҳидовнинг «Телекоммуникация бакалаврларига ўқув маркази керак» мақоласида жуда муҳим масала кўтарилганини қайд этиб, шу ҳақда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқчиман.

1999 йилнинг охирида Тошкент электротехника алоқа институтиди (ҳозирги Тошкент ахборот технологиялари университетиди) малака ошириш факултети ташкил қилинди. Кўпроқ фундаментал фанлардан билимга эга бакалаврларни қайта тайёрлаш унинг асосий вазифаларидан бири эди. Шу

даврди телекоммуникация узатиш тизимлари бўйича бакалаврлар қайта тайёрлашнинг бир ва икки ойлик курслари учун ўқув дастурлари тузилди. Малака ошириш факултети Марказий Осиё телекоммуникациялар ўқув маркази (МОТУМ) билан бирлаштирилган, асосий эътибор раҳбар ходимлар ва муҳандис-техниклар малакасини оширишга қаратилди. Мақола муаллифи эътироф этганидай, телекоммуникация бўйича чуқур назарий ва амалий билимга эга бўлмаган бакалаврларни мураккаб телекоммуникация ускуналари ва аппаратларини замон талаби даражасида ишлаш олишлари учун хизмат қиладиган қайта тайёрлаш курслари ташкил этилмади.

2000-2002 йиллар давомида МОТУМда тажрибали муҳандис-техниклар билан бирга бакалаврлар ҳам малака ошириш курсларида ўқишди. Уларнинг кўпчи-

лиги айнан корхоналарда эксплуатация қилинаётган ускуна ва аппаратларни етарли даражада билмасликларини тан олишди.

Мақолада кўтарилган муаммонинг муҳимлигини қўллаган ҳолда биз ҳам қўшимча таклиф киритмоқчимиз. Тажрибали мутахассислар республикамиз пойтахтида яшаб, ишлаётганини ҳисобга олиб, бакалаврларни тайёрлаш мақсус ўқув марказини (камида бир ойлик курс) Тошкент шаҳрида ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Бу Тошкент ахборот технологиялари университети профессор-ўқитувчиларини ҳам ўқув маркази машғулотларини олиб боришга жалб қилиш имкониятини туғдирар эди.

С.СИДИКОВ,  
МОТУМ директори

### ● Совриндорларимиз

ли билан бир зумда гаплашиш шариоити яратилган экан, бунда шубҳасиз, моҳир кабел-пайвандловчи Нурбой Юсупов ва унинг ҳамкасблари хизмати каттадир. Хориждан келтирилган алоқа дастгоҳларини оптик тола кабелга боғлашдек машаққатли ишда улар фаол иштирок этишди.

— Истиклолнинг бебаҳо неъматларидан баҳра олгани сари янада унамли ишлашга чоғланаман, — дейди қаҳрамонимиз дориломон кунларда шукроналик билдирар экан, — дилимдаги Ватан туйғуси шунга даъват этади. Мен муштақлиқини муштақамлашга баҳолан-қудрат ҳисса қўшаётганим билан фахрланишга ҳақлиман.

Қадимий шаҳар — Термиз кейинги йилларда чиндан ҳам обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Алоқа хизматидан нафақат маҳаллий аҳоли, балки хорижлик меҳмонлар ҳам кенг фойдаланмоқда. Бу хизмат юртимизда барқарор бўлиб турган тинчликка хизмат қилмоқда. Нурбой ана шулар ҳақида уйлarkan, ўзи ва ҳамкасблари меҳнати зое кетмаётганини ҳис этади.

Нортожи ЗИЁЕВ,  
Сўхондарё вилояти

Хушбахарнинг қаноти бор деганлари рост экан. Нурбой Юсуповнинг “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган алоқа ходими” унвони соҳиби бўлганлиги сабаб-поянликларини ҳам қувонтириб юборди. “Ўзиям меҳнатсевар йигитда, доим элга хизмат қилиш ниятида юради”, дейишди кишлоқдошлари фахрланиб.

Муштақиллик кунининг 11 йиллик байрами арафасида Нурбойни ҳамкасблари — Ўзбекистон-Индонезия қўшма корхонаси Термиз шаҳри филиали ходимлари ҳам узгача кайфият билан кутиб олишди. Уни жамоа раҳбари Собиржон Бадалбоев биринчилар қаторида муборакбод этди. — Бизнинг овоз да обод юрда силқидилан хизмат қилган киши қадр топади, — деди Собиржон ака. — Шунинг учун бугун сизга олқишлар ярашиб турибди. Касбини дуғлаб кам бўлмадингиз.

Нурбой бу каби самимий дил изҳорларини мақтов деб билмайди. Жамоалошларининг **Билан туйғусидан куч-қувват олади. Янада гайрат ва ибрат кўрсатиб ишлашга чоғланди.**

Асли Н. Юсупов Термиз туманининг “Дўстлик” ширкат хўжалигидан бўлади. У истиқомат қиладиган Сабзипоя кишлоғи билан шаҳар оралиғи беш-олти чақиримлик масофа. Йилнинг тўрт фаслида ҳам шунча йўлдан қатнаб ишлашнинг ўзи бўлади! Айниқса, киш-қировли кунларда меҳнат қилиш кишидан муштақам ирода талаб этиши



## ҒУРУР

табиий. Нурбой эса бундай синашга кунларга кўникиб кетган. Қандай тошхиряқ берилса “лаббай” деб туради. Асло баҳона қилдирмайди. Зиммасига юкланган вазифа бир қарашда ҳамманинг қўлидан келадиган оддий ишдай туюлади. Аслида эса кабел-пайвандловчиси бўлиш учун уздабуронлик, моҳирлик ва зийраклик керак.

Муштақиллик йилларида Термиз шаҳрида ҳам алоқа хизматини жаҳон андозалари даражасига етказиш йўлида анча ишлар бажарилди. Натижада шаҳарликлар рақамли телефон хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бугун дунёнинг исталган манзи-

### ЭЪЛОН!

1. “O ZBEKTELEKOM” АКнинг эркин савдо улушига тегишли бўлган 111338 донга эгаси ёзилган оддий акцияларни эгаси ёзилган имтиёзли акцияларга конвертация қилиш муносабати билан қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказида 2002 йил, 4 мартда Р0434 билан рўйхатга олинган эмиссия рисоласига асосан чиқарилган номнал қиймати 1000 сўм бўлган 111338000 сўмлик 111338 донга эгаси ёзилган оддий акциялар бекор қилинди.

2. Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказида 2002 йил, 4 мартда Р0434 билан рўйхатга олинган эмиссия рисоласининг III. “Янги чиқарилаётган қимматли қоғозлар тўғрисида маълумотлар” бўлимининг 1-банди ўзгартирилиб, қуйидаги янги тахрирда ўқилсин:

“1. Қимматли қоғозлар тўғрисида умумий маълумотлар: б) чиқарилган қимматли қоғозлар сони, тури ва донаси: эгаси ёзилган оддий акциялар 29 736 783 донга; эгаси ёзилган имтиёзли акциялар 1 055 183 донга.”

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уй, 7-қават.

Телефонлар: 139-23-78, 139-23-55, 34-96-30, 34-95-71.

### ЁНГИНДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

Куз мавсуми бошланиши билан ёнгинлар сони кескин ошмоқда. 2002 йилнинг ўтган даври мобайнида фуқароларнинг газ асбобларини нотўғри ўрнатиши, ундан нотўғри фойдаланиши ҳамда газ тармоғини қаровсиз қолдириши оқибатида 14 та ёнгин содир бўлди.

Юнусобод тумани, М.Заропов кўчаси, 18-уйда 2002 йил, 6 июн кунини ёқилган газ плитасининг қаровсиз қолиши натижасида ёнгин келиб чиққан. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Кўп қаватли уйлар, шахсий ҳовли-жойларда газ тармоғидан резина шланг орқали фойдаланмаслик ва газ плитасини балконга олиб чиқмаслик, кўп қаватли ва фуқароларга шахсий мулк сифатида тегишли бўлган уйларнинг тартиб рақами, кўча ва мавзеларнинг номини кўринарли ерга ёзиб қўйиш ҳамда уйларга ўтиш йўллари бетон ва темир қоқилар билан тўсиб қўймаслик, ёш болаларга гугурт уйнашни таъқиқлаш ёнгиннинг олдини олиш ва унга йўл қўймасликнинг асосий омилдир.

Агар доимо ҳушёр бўлиб, ёнгин хавфсизлиги талабларини бажарсангиз ўзингизни, oilангизни ва мол-мулкнингизни ҳимоя қилган бўласиз.

Б.КЕНЖАКУЛОВ,  
Юнусобод тумани ЁХБ инспектори,  
ички хизмат катта лейтенанти





ДУШАНБА, 30

Ўзбекистон телеканаллари

8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.45 «Тахлинома» 8.45 ТВ маркет. 8.50 «Ўзбектелифилм» намойиши: «Кўз лавгарани» 9.05 «Камалак»...

Шарқ телеканаллари

8.55 Курстувлар дастури. 9.00 Давр тонги. 10.00 «Янги авлод» студияси...

Ўзбекистон телеканаллари

16.00 Курстувлар тартиби. 16.05 «Вести»... 17.00 «Евроньюс» янгиликлари...

Шарқ телеканаллари

16.00 Курстувлар тартиби. 16.05 «Вести»... 17.00 «Евроньюс» янгиликлари...

лар ва мураббий кўнига бағишланган тантанали йилгилиш ва концерт. 15.00 «Ит уяси»... 16.05 Телевизион миниатюралар тасдиқи...

Шарқ телеканаллари

7.55 Курстувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 8.00 «Янги авлод» студияси...

Шарқ телеканаллари

17.15 Курстувлар тартиби. 17.20 ПТВда сориал: «Кўча даъма сирин»...

ЧОРШАНБА, 2

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35-17.55 ТВ маркет...

Шарқ телеканаллари

8.55 Курстувлар дастури. 9.00 Давр 9.15 «Янги авлод» студияси...

9.45 «Хабарлар». «Хар соҳага саёбат». 9.45 «Мульттомош»... 10.00 Давр-интервю...

Шарқ телеканаллари

17.15 Курстувлар тартиби. 17.20 ПТВда сориал: «Кўча даъма сирин»...

Шарқ телеканаллари

17.15 Курстувлар тартиби. 17.20 ПТВда сориал: «Кўча даъма сирин»...

ЧОРШАНБА, 3

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35-17.55 ТВ маркет...

Шарқ телеканаллари

8.55 Курстувлар дастури. 9.00 Давр 9.15 «Янги авлод» студияси...

18.40 Оқшом навалари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс...

Тошкент телеканаллари

17.15 Курстувлар тартиби. 17.20 «Кўзи тошлар жилоси»...

Шарқ телеканаллари

16.00 Курстувлар тартиби. 16.05 «Вести»... 16.20 «Кулгу хонаси»...

ШАРНБА, 5

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35-17.55 ТВ маркет...

Шарқ телеканаллари

16.00 Курстувлар тартиби. 16.05 «Вести»... 16.20 «Озаг бир»...

Шарқ телеканаллари

16.00 Курстувлар дастури. 9.00 Давр 9.15 «Янги авлод» студияси...

Шарқ телеканаллари

17.15 Курстувлар тартиби. 17.20 ПТВда сориал: «Кўча даъма сирин»...

Жорж». 47-қисм. 18.30, 20.00, 21.10, 22.05 «Пойтахт»... Ахборот дастури...

Шарқ телеканаллари

16.00 Курстувлар тартиби. 16.05 «Вести»... 16.20 «Форст Бюрд»...

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 ТВ маркет...

Шарқ телеканаллари

16.00 Курстувлар тартиби. 16.05 «Вести»... 16.20 «Кулгу хонаси»...

ШАРНБА, 5

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35-17.55 ТВ маркет...

Шарқ телеканаллари

16.00 Курстувлар дастури. 9.00 Давр 9.15 «Янги авлод» студияси...

Шарқ телеканаллари

17.15 Курстувлар тартиби. 17.20 ПТВда сориал: «Кўча даъма сирин»...

тартиби. 16.35 «Дисней клуб»... 16.50 «Бинафша»... 17.05 «Ассалом, Франция»...

ЯКШАНБА, 6

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35 «Камалак»...

Шарқ телеканаллари

16.00 Курстувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 9.00 «Янги авлод» студияси...

Шарқ телеканаллари

17.15 Курстувлар тартиби. 17.20 ПТВда сориал: «Кўча даъма сирин»...

Шарқ телеканаллари

16.00 Курстувлар дастури. 9.00 Давр 9.15 «Янги авлод» студияси...

Шарқ телеканаллари

17.15 Курстувлар тартиби. 17.20 ПТВда сориал: «Кўча даъма сирин»...

Шарқ телеканаллари

17.15 Курстувлар тартиби. 17.20 ПТВда сориал: «Кўча даъма сирин»...

СЕШАНБА, 1

Ўзбекистон телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот»... 8.35-17.55 ТВ маркет...



**Яхши кўшиқ инсон умрини узайтиради дейдилар.** Яхши кўшиқ оламни зиёга, қалбларни маънога кўмади эъё. У тўсиқ билмайди, миллат танламайди, барча-барчага бирдай манзур, бирдай қадрли. Гўзал наволар кўичиси, ажойиб кўшиқлар ижрочиси, Ўзбекистон халқ артисти Нуриддин ҲАМРОҚУЛОВ ижоди ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Бу санъаткорни асосан кўшиқчи сифатида биламиз. У ўз вақтида драматик сахналарда ҳам роллар ижро этиб, бир қанча образлар яратган актёр бўлганлигини кўпчилик билавермаса керак.

Хонанда 1967 йилдан то 1980 йилга қадар Андижон вилояти, Йўлдош Охунбобоев номидаги музикали-драма театрида фаолият кўрсатган. Уша даврда мазкур театр жамоасига Республикада кўзга кўринган санъаткорлардан бири — Аббос Бакиров етакчилик қилган. Нозик таъб режиссёр Нуриддин акадаги имкониятларни муносиб чамалаб, спектакллардаги асосий ролларнинг лояри барчасини унга ишониб топширган. Театр ундаги нафақат актёрлик маҳоратини, балки куйлаш салоҳиятини ҳам шакллантирган ва санъаткорнинг яна бир янги қиррасини очиб берган.

80-йилларда Андижон шаҳрида Филармония ташкил топди. Унинг фаолиятини шакллантириш мақсадида кўзга кўринган санъаткорларни жамоага таклиф эта бошладилар. Булар орасида Н.Ҳамроқулов ҳам бор эди. Филармония қошида Нуриддин Ҳамроқулов бошчилигида "Наргис" номи ансамбли тузилди.

Бу ҳақда ҳофиз шундай дейди: — Уша даврларда кўпроқ Фарба қўлланиладиган синтезатор, гитара, зарб билан чалина-

диган ва бошқа кўплаб музикали асбоблар оммалашмаган, фойдаланиш энди-энди йўлга қўйиладиган эди. Одатда янгиликни тарғиб қилиш

## САНЪАТ КЎНГИЛЛАР МАЛҲАМИ

ҳеч вақт осон бўлмаган. Бироқ қийинчиликларга қарамай ўз ишимизни давом эттирдик. Албатта мақсадларим амалга ошади дея умид билан ҳаракат қилдим.

— Ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос шох асари бўлади. Бу унинг камолот чўққиси, имкониятларининг олий нуқтасини белгилайди. Қайси кўшиқчининг ани шундай баркамол асар сифатида тилга оласиз?

— Яратган кўшиқларимнинг ҳаммаси ҳам ўзимга ёқди. Бироқ энг маъқули, нафақат ўша давр, балки бутунги кунда ҳам долзарблиги жиҳатидан ўз қимматини йўқотмаган, дунё халқларининг азалий орузи — тинчликни тараннум этган "Оламини асранг..." номи кўшиғимдир. Бу шער муаллифи асли ижодкор бўлмаган бир инсон — Маҳсум Каримовдир. Яна шундай қанотли кўшиқлардан бири — Мурод Раҳмон қаламига мансуб бўлган "Ажиб сирлар" ҳам ўз вақтида мухлислар эътиборини қозонган.

— Айни кунларда нималар бита-

дан машғулсиз?

— Устоз, атоқли ҳофизлар — Комилжон Отаниёзов, Жўраҳон Султонов, Таваккал Қолировнинг мақом йўлида ижро этган кўшиқларини асл ҳолатини сақлаган ҳолда, замонавий техника имкониятидан фойдаланиб, қайталан ёзяман.

Академик Юнус Ражабий томонидан жамланган "Шошмақом" ичига киритилмаган мақом турлари бор. Ушаларни аниқлаб, топиб, магнит тасмасига тушириш ния-

шערни қалбдан ҳис эта оладиган ҳофиз ҳам керак. Аммо шукурки, бутунги кунда ҳам лирикани эпалаётганлар топилади.

— Санъат пулга сотилмайди дейишди. Буни қандай тушуниш керак?

— Санъат ҳам касб. Шундай экан, албатта моддий манфаатдорлик ҳам бўлиши табиий. Негаки, у мана шу касб орқали тирикчилик қилади. Ўқитувчи, тиббиёт ходими ёки бошқа бирор касб эгаси кўшиқчи бўлса, у ҳолда маънавий

тидаман.

— Бутунги кўшиқчиликка муносабатингиз?

— Сўнгги вақтларда бу борала салбий фикрлар кўпайиб қолди. Аммо ҳар бир нарсанинг яхши томони ҳам бўлади. Бундан кўз юммаслик керак. Шул бос мен уларга ижобий қарайман. Чунки бу ёшлар яхшилик илжинида, халққа танлай деб, эзгу ният ила баҳоли-қудрат ижод қилишмоқда.

Мазкур кўшиқларнинг савиясига келсак, ким ўзи ўша кўшиқларни ўтказаетган ва ёзиб олаётганлар? Агар яратилган кўшиқ талаб даражасида эмас экан, нега уни ёзиб олиб, эфирга узатишди? Ижодкорни ранжитмаган ҳолда "Бу ҳали хом" деб, холис баҳони жойида айтиб, ҳар бир кўшиқни элакдан ўтказиб, савиясизларни умуман қабул қилмаслик керак, холос.

— Кейинги пайтларда лирик хонандалар унчалик сезилмай қолди.

— Лирик хонанда бўлиш учун юрак, дард, яхши шער, ўша

эҳтиёж учун куйлаш мумкин, балки. Аммо санъатни фақат тирикчилик воситаси қилиб олиш яхши эмас.

— Оғир дамларда нимага суянаси?

— Чидамга.

— Бошқаларга ўхшамаган, ўзингиз фахр этган жиҳатларингиз...

— Жуда фахр этиш эмас, аммо ёлгон гапира олмаслик, кўп ҳам ўзимни кўз-кўз қилишга интилмаслик, берилган ваъданинг устидан чиқишлик мен амал қиладиган ақиллардир.

— Бутунги кунда санъаткорлар ҳақида гап кетганда "юлдуз" деган ибора жуда кўп ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу атамага муносабатингиз?

— Адабиётда "муболага" деган таъбирий восита бор. Юқоридаги ибора ҳам баъзи оммавий ахборот воситалари ходимлари ўйлаб топган муболага деб тушунаман.

— Ҳаётда сиз англаб етган фалсафа?

● Сиз қутман учрашув

— Шундай фанлар бўладики, у касбга тайёрлайди. Масалан, физика — физикларни, кимё — кимёгарларни ... Аммо инсонийлик-чи, у қайси фанга ўргатади? Худди шундай фан бор. Бу адабиёт фанидир. У инсонга қувончини, гам чекишни, ўзгаришга гамига шерик бўла олишни, севишни, севилишни, нафратланишни, ҳайратланишни, англашни ўргатади. Ҳар қандай шахс фанлардан бирини ўзлаштириб, аллома ёхуд даҳо бўлиб этишиши, атом ихтиро қилиши, минг-миллион йиллар гуллаб-яшнаб турган умумбашарият хилхонасини ҳеч сесканмай дақиқада вайрон қилиши, йўққа чиқариши мумкин. Аммо ишонманки, агар у адабиётни севаганида ҳеч қачон ядро бомбасини кашф қилмаган, балки инсоният тараққиётига хизмат қилмаган, унинг оғирини енгиллаштирадиган, фойдалироқ бир нарсани ўйлаб топган бўларди. Баъзан ўйлаб қоламан... Менга қолса, барча соҳани адабиётга боғлаган, барча фанларга баҳонини фақат унга қиёслаб қўйган бўлардим... Демак, ҳаётда биринчи навбатда ОДАМ бўлиш керак. Одам бўлиш эса кўп қийин...

Санъатнинг ўзи гўзал бир гулшан, нурафшон ибрат олами, кўнгиллар малҳами, етакловчи куч, руҳий таянч манбаи. Етув ва боқий муаллим. Асл санъат ҳеч бир дилни тарқ этмасин. Эл бахтига доим омон бўлсин.

Саодат УМУРЗОҚОВА  
сўхбатлашди

### ИНСОН — ОЛАМ БЕЗАГИ

Рўйи заминда инсон бўлмоқ ажойиб рутбадир.

\*\*\*

Ҳаётининг энг мушкул дамларида ҳам, энг оғир дақиқаларида ҳам қалбим: "Яшасин инсон!" — деган гимни куйлаган.

М. ГОРКИЙ

Ердаги жамики гўзал нарсалар — офтобдан ва барча яхши нарсалар — инсондан.

М. ПРИШВИН

Мен инсонман деган улдуғ фикрла, ҳаммиша кўксимни тутаман баланд.

В. ЖУКОВСКИЙ

Инсон — бутун бир олам, фақат ундаги асосий туйғу олижаноблик бўлса бас.

Ф. ДОСТОЕВСКИЙ

Инсон қанчалар ажойиб, агар у чинакам инсон бўлса.

МЕНАНДР

Олим, шоир, жангчию қонуншунос ва ҳоказо бўлиш яхши, лекин шулар баробарида инсон бўлмаслик ёмон.

В. БЕЛИНСКИЙ

Кишининг ҳақиқий инсон бўлмоқликдан бошқа мақсади бўлиши мумкин эмас.

Л. ШЕФЕР

"Тафаккур гулшани"дан

### ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Наманган почтаси" АЖ Мингбулоқ филиали ва касба уюшмаси қўмитаси жамоалари "Наманган почтаси" АЖнинг почта олма хизмати етакчи муҳандиси Гўзал ЗИНЕТОВА ҳамда Мингбулоқ филиали бошлиғи Содиқжон МИРЗАЛИЕВларни туғилган кунлари билан чин қалбдан табриклайди. Уларга сийхат-саломатлик, оилавий бахт, ишларида омад тилайди.

### ДОНИШМАНД ДИОГЕН

Одамлар Диогенга хайр-эҳсон қилган кишини мақтаса, унинг энсаси қотибди:

— Хайр-эҳсонга муносабат эканлигим учун мени қачон мақтайсизлар?

\*\*\*

Искандар офтобда тобланиб ётган Диогенга дебди:

— Тила тилагингни.  
— Қоч, қуёшни тўсма!  
— дебди Диоген.

\*\*\*

Куппа-кундузи чироқ кўтариб юрган Диогендан "Нима қилиб юрибсиз?", деб сўрашса, у "Одам қидириб юрибман!" деган экан.

\*\*\*

Искандар, "Агар Искандар бўлмаганимда, Диоген бўлишни истар эдим!", деган экан.

### МУШУКНИНГ ЖАСОРАТИ

Ҳар кун оладигандек кечкурун ётиш олдилан ошхонадаги идиш-товоқларни ювиб бўлган, қолган нон бўлакларини бир идишга йиғиб, сўнг чиқиндиларни тўкиб келаман. Бир кун кўзим уйкуга илинган экан, нималир тарақлаб тушганидан сесканиб кетдим. Ошхонага бориб қарасам, ахлат челақ аганаб ётибди. Ҳайрон бўлдим. Уйда мушук ёки ит бўлмаса. Бу кимнинг иши эканлигини билиш мақсадида стулла қамир этмай ўтиргачча кузата бошладим. Бир маҳал қарасам, нақ кичик мушукдек келадиган, думлари ўзидан узун каламуш челақнинг атрофида ўралаша бошлади. Уша кун каламушдан қандай қутулиш йўлини ўйлаб ухлай олмадим.

Тонг отгач, ҳўжалик дўконидан "маргумуш" олиб келдим ва қозғаларга солиб, ошхона бурчакларига қўйиб чиқдим. Аммо бир неча кун ўтса ҳам каламуш уларга тегмади. Шунда қўшимнинг катта бароқ мушугини бир кунга сўраб олдим.

Мушук бизниқига келгач миссия бўшлади. Уни ўзимга ўргатиш учун силаб-сийпадим, қўлимдан овқат елтирдим. Кечкурун уни ошхонага чиқариб қўйдим. Биринчи кун у ҳеч нарса тутмади. Ҳаммаси эртасига рўй берди...

Эрталаб мушукча овқат бермадим. У қочиб кетмаслиги учун ошхона эшик-дезаларини беркитиб қўйдим. Ишдан қайтгач қизик воқеанинг устидан чиқдим. Ошхона полига тўшалган шолчалар йиғилиб қолган, унинг устида эса 3-4 та нимталанган каламуш бўлакларини ва яраланган мушук ётарди.

Менимча, каламушга ташланган мушукча каламушлар тўласи ҳужум қилган. Улар билан мардон жанг қилган мушук каламушларнинг домини бериш билан бирга ўзи ҳам яраланган. Уни икки-уч кун парвариш қилдим, сўнгра эгасига қайтардим.

Шу-шу уйимизда каламуш кўринмади.

Марям АҲМЕДОВА,  
Қашқадарё вилояти

### ТУЗАТИШ

Газетанинг ўтган 39-сон, 2-саҳифасидаги "Телекоммуникация бакалаврларига ўқув маркази керак" мақоласи ниҳоятсиздаги "М.ЗОҲИДОВ, Тошкент ахборот технологиялари университети доценти, техника фанлари номзоли" жумласи "М.ЗОҲИДОВ, "COSCOM" қўшма корхонасининг техник хизмати раҳбари, техника фанлари номзоли, доцент" тарзида ўқилсин.

#### МУАССИС:

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

●

Бош муҳаррир:  
Шодмон ОТАБЕК

#### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шомансур ОБИДУҲАЕВ,  
Шухрат ЖАББОР,  
Анатолий КУДИНОВ,  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари),  
Миргулал МИРЗО,  
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЪИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,  
А. Толстой кўчаси, 1.  
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,  
144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
Nabar@uzapt.uzpak.uz  
И-ДЖКС: 64600  
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.  
Буюртма №Г-773.  
5239 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ,  
Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ.  
Манили: Тошкент шаҳри, «Булак Турон» кўчаси, 41-уй.  
Матн тўрғачи: Д.МАТҚУРБОНОВА  
Саҳифачоли: Ш.КИМАНБОВ  
Босишга топширилди — 18.00  
Босишга топшириш вақти — 18.00